

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
илмий ходими Гўзал Валиева.*

Ўрта Осиёда ирригация-суғориш ишлари жуда қадимдан маълум. Миллоддан аввалги биринчи минг йилликдаёқ Амударё этакларида ва бошқа жойларда катта-катта суғориш тармоқлари қурилган ва суғорма деҳқончилик ривожланган. Амударё этакларида суғориш ишлари миллоддан аввалги 8-7 асрларда 3-асрларгача яхши тараққий этган. Тошкент воҳасида миллоддан аввалги 3-2 асрлардан бошлаб каналлар қурила бошланган. 16-17 асрларда Фарғона водийсида йирик суғориш каналлари қурилган.. Октябрь инқилобидан сўнг суғориш ишлари янада авж олиб кетди. 1918-йили В. И. Ленин Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш ва бунга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги Декретни имзолади. Декретда Мирзачўл, Далварзин ва Учқўрғон чўлларига сув чиқариш. Зарафшон дарёсида сув омбори қуриш. Чу дарёси водийсида суғориш системалари қуриш ишларини охирига етказиш вазифалари аниқ белгилаб берилган эди. Инқилобгача суғориш ишларида фақат мурғоб, Қорадарё, Зарафшон, Қашқадарё, Чирчиқ, Ангрэн ва бошқа кичик ҳамда ўрта дарё ирмоқларидан фойдаланишган. Хоразм воҳасида Амударё умумий сув миқдорининг жуда кам қисми ишлатилар эди. Ўрта Осиё халқлари суғориш ва суғорма деҳқончилик қилиш борасида анча тажрибага эга. Инқилобгача бўлган суғориш ишлари хусусиятларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, унинг юксалиш ва техник даражасини феодал давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити белгилар эди.. Ер-сув муносабатлари деҳқонни эксплуатация қилишга хизмат этди. Мавжуд сув иншоатларини тозалаш, тошқинга қарши кураш, бошқарув ишлари билан боғлиқ

вазифалар мажбурий асосда маҳаллий аҳолини текинга ишлатиш билан бажарилган.

Ўрта Осиё ер-сув ресурсларидан кенг фойдаланиш муаммолари ўз ечимини совет давлати даврида топди. Инқилобдан сўнг суғориш ишларига муносабат кескин ўзгарди. Дехқоннинг кўп йиллик орзуси ушалди. У ер ва сувнинг ҳақиқий эгасига айланди. Лекин кейинчалик социализмнинг бу принципи бузилди. В. И. Ленин имзо чеккан декрет асосида алоҳида муассаса - Суғориш ишлари бошқармаси тузилди. Ўрта Осиё меҳнаткашларининг ирригацияни янада ривожлантириш учун бўлган урунишлари граждандар уриши ва босмачилик ҳаракати туфайли тўхтаб қолди. Суғориш системаси вайрон бўлди, каналларга сув етказиб бериш тенг ярмига, суғориладиган экин майдони 2-3 мартага қисқариб кетди. Аҳолининг уруш туфайли суғориш ишларида машғул бўладиганлар сони кескин камайди., катта-катта майдонлар яроқсиз ҳолга келди. Туркистонга кўп миқдорда турли жиҳозлар, машина, сув иншооти материаллари ҳамда юқори малакали ирригаторлар юборилди 1918-1920 йиллар давомида суғориш ишларига бир миллион сўмдан зиёд пул сарфланди. Барибир ҳал қилувчи вазифани халқнинг уюшқоқлиги, меҳнати ҳал қилди Суғориш ишларини тиклашда кескин бурилиш 1923 йилда рўй берди. 297 та суғориш объектларида иш бошланди. Жуда кўп жойларда халқимизнинг азалий эзгу одати- ҳашар йўли билан суғориш иншоотларини тозалаш ва тузатиш ишлари бажарилди. Масалан 1923-йили Жиззах уезди бўйича ҳашарларда 21 минг киши, Хўжакент уезди бўйича 36 минг киши қатнашган. Фақат 1924 йилнинг ўзидаёқ Ўрта Осиёда 16,5 миллион сўм миқдорида суғориш ишлари бўйича тузатиш ва тозалаш ишлари бажарилган. 1925-1928 йиллар давомида кўплаб канал ва суғориш иншоотлари бунёд этилди. Шунини алоҳида қайд этмоқ керакки, ўша даврда барча ишлар асосан қўл меҳнати кетмон ва замбил ёрдамида бажарилган. Меҳнаткаш халқимиз очарчилик ва вайронгарчиликка қарамай, жуда оғир шароитда суғориш ишларини янада юксалтиришга интилдилар. Биз сув учун курашган аждодларимиз

меҳнатини кадрлашимиз керак. Зеро табиатнинг олий ҳсонларидан бири-
сув фақат биз учунгина мас, келажак авлод учун ҳам мўл-кўлчиликка,
соф ҳолида қолиши керак

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1 Фан ва турмуш 5/90.
- 2 Интернет сайти.
- 3 О. Абдуллаев Наманган вилояти 1995
- .4 Экалогия хабарномаси 2011.